# Пудрат шартномаси

*01/2022 - сон* *2022 йил “28“ 03*

Кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган **“Chindovul qurilish info”** масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **Ж.Мамдалиев** бир томондан ва иккинчи томондан **«Олмазор тумани Ободонлаштириш бошқармаси маъмурий биносини жорий таъмирлаш»** объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ қурилиш монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **561 450 000 (Беш юз олтмиш бир миллион тўрт юз эллик минг) сўм**ни ташкил этади.

2.Қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. Ёрдамчи пудратчининг мажбуриятлари

1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

2.Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. Ишларни бажариш муддати

1. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

2. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VI. Тўловлар ва хисоб-китоблар

1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий киймати**нинг 30 % микдорида, аванс ўтказади, бу 168 435 000 (Бир юз олтмиш саккиз миллион тўрт юз ўттиз беш минг**) сўмни ташкил этади.

2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

4.Объектнинг шартномавий жорий кийматининг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи уртасидаги хисоб –китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килиниб,мазкур шартномага белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом булгандан кейин ишлар кийматининг 5 % гача микдорида маблаг молиялаштириб беради.

5.Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## VII. Ишларни бажариш

1. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

3. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

4. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

6. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

7. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

**8.** Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боглаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

9. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

13. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

17.Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботланса жавобгар ҳисобланмайди.

18. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

19. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## VIII. Коррупцияга қарши талаблар

1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

2. "Буюртмачи" "Пудратчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директори, агентлари ва бошқа вакиллари), "Буюртмачи" манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Пудратчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

## XII. Низоларни ҳал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XIII. Алоҳида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақикий ҳисобланади.

4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдобўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.

8. Шартнома амал килиш муддати 2022 йил 31 декабр кунигача амал килади.

## XIV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

**Пудратчи:**

**«Chindovul qurilish info» МЧЖ**

Наманган вилоят Косонсой туман Чиндовул МФЙ
Банк:АТБ Микрокредитбанк Косонсой филиали
Х/Р:2020 8000 9050 2873 0001
МФО: 01 049 ИНН:302 541 994
Раҳбар: Ж.Мамадалиев

М.У. (имзо)

**Буюрмачи:**

**«Олмазор тумани Ободонлаштириш бошкармаси»**

Тошкент шахар Олмазор тумани
Кора-Камиш кучаси 7 А уй
Банк: “Марказий банк” Тошкент шахар
ХККМ ИНН казн: 201 122 919
Х/Р:23402000300100001010
МФО: 00 014 ИНН: 200845920
ШХ:100022860262807065200110004
Раҳбар: **Д.И.Искандаров**

**Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида**

# ГУВОХНОМА

**Реестрдаги тартиб раками- 2446 № 2251**

**2013 йил « 15 » март**
**Мазкур гувохнома юридик шахс**

**« CHINDOVUL QURILISH INFO» масъулияти чекланган жамияти**

**га берилган.**

| | | |
|---|---|---|
| **Ташкилий хукукий шакли:** | **ТХШ** | **1152** |
| **Мулкчилик шакли:** | **МШ** | **142** |
| **Почта манзили:** | **МХОБТ** | **1714207564** |
| **Юридик шахс коди:** | **КТУТ** | **24239881** |
| **Тармок коди:** | **ХХТУТ** | **61110** |
| **Солик туловчининг индентификацион раками** | **С Т И Р** | **302541994** |

**Кушимча маълумотлар:**

**Тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси бошлиги:** /имзо/ *Т.Т.Сотиболдиев.*

Олмазор туман ободонлаштириш маркази

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI

OLMAZOR TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

100095, Toshkent shahar, Niyozova ko'chasi, 19-uy,

tel.: (998 71) 246-01-41, el.pochta: olmazor_yurxizmat@adliya.uz

2022-yil 30-mart

JY33411004

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Olmazor tuman obodonlashtirish boshqarmasi va "Chindovul qurilish info" MCHJ o`rtasida 561 450 000 so`m miqdordagi shartnoma tuzish to'g'risida.

**Asos:** O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.09.2018-yildagi PQ-3953-son O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi Qarori.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va ishlab chiqilgan sana.
Loyiha Olmazor tuman obodonlashtirish boshqarmasi va "Chindovul qurilish info" MCHJ tomonidan 2022-yil 30-mart kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Olmazor tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **N.Ergashev**

ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС TNQURILISH 5.0

УТВЕРЖДАЮ

Ф. Искандаров

"__" ______ 2021Г

## ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

## ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЗДАНИЯ РУБ (ПРОЕМЫ) АЛМАЗАРСКОГО РАЙОНА

| №№ | НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ | ЕД.ИЗМ | КОЛ-ВО |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | ПРОЕМЫ | | |
| | ОКОННЫЕ БЛОКИ ИЗ АЛЮМИНЕВЫЕ | | |
| 1 | УСТАНОВКА В ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЯХ ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ АЛЮМИНИЯ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ, ОТКРЫВАЮЩИМИСЯ /ПОВОРОТНЫХ, ОТКИДНЫХ, ПОВОРОТНО-ОТКИДНЫХ/ С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 10 М2 | 100М2 | 1,3486 |
| 2 | ОКОННЫЕ БЛОКИ ИЗ АЛЮМИНЕВЫЕ/СВЕТ ЦЕРИЙ/ | М2 | 134,86 |
| | ДВЕРНЫЕ БЛОКИ ИЗ МДФ | | |
| 3 | УСТАНОВКА БЛОКОВ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ В ПЕРЕГОРОДКАХ И ДЕРЕВЯННЫХ НЕРУБЛЕНЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2 | 100М2 | 0,396 |
| 4 | ДВЕРНЫЕ БЛОКИ ИЗ МДФ | М2 | 39,6 |
| | ДВЕРНЫЕ БЛОКИ ИЗ АЛЮМИНЕВЫЕ | | |
| 5 | УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ, АЛЮМИНИЕВЫХ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКОВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ, В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА БОЛЕЕ 3 М2 | 100М2 | 0,108 |
| 6 | ДВЕРНЫЕ БЛОКИ ИЗ АЛЮМИНЕВЫЕ/СВЕТ ЦЕРИЙ/ | М2 | 10,8 |
| | ПОТОЛКИ | | |
| 7 | УСТРОЙСТВО ПОДВЕСНОГО ПОТОЛКА ГИПСОКАРТОННЫМИ ПЛИТАМИ КНАУФ ПО МЕТАЛЛИЧЕСКИМ НЕСУЩИМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПРОСТОЙ СЛОЖНОСТИ | 100М2 | 6,2 |
| 8 | СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ /ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА/ ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ/2ММ/: ПОТОЛКОВ | 100М2 | 6,2 |
| 9 | НА КАЖДЫЙ ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ ДОБАВЛЯЕТСЯ ИЛИ ИСКЛЮЧАЕТСЯ ПОТОЛКОВ ЗА 8 РАЗ | 100М2 | -6,2 |
| 10 | ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ ПОТОЛКОВ | 100М2 | 6,2 |
| | СТЕНЫ | | |
| 11 | УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН | 100М2 | 13,07 |
| 12 | СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ /ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА/ ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ/3ММ/: СТЕН | 100М2 | 13,07 |
| 13 | ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ СТЕН | 100М2 | 13,07 |
| 14 | ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕН, СТОЛБОВ, ПИЛЯСТР И ОТКОСОВ [БЕЗ КАРНИЗНЫХ, ПЛИНТУСНЫХ И УГЛОВЫХ ПЛИТОК] БЕЗ УСТАНОВКИ ПЛИТОК ТУАЛЕТНОГО ГАРНИТУРА НА ЦЕМЕНТНОМ РАСТВОРЕ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ | 100М2 | 1,23 |
| | КАРНИЗ | | |
| 15 | ОБЛИЦОВКА ФАСАДА ДЕКОРАТИВНЫМИ ПАНЕЛЯМИ С УСТРОЙСТВОМ КАРКАСА | 100М2 | 0,4 |
| 16 | РАСКРОЙ И ИЗГОТОВЛЕНИЕ ПАНЕЛЕЙ ИЗ ЛИСТОВ «АЛЮПАН» | 100М2 | 0,42 |
| 17 | ДЕРЕВЯННЫЕ ТЕКСТУРНЫЕ АЛЮКОБОНД | М2 | 42 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 18 | УСТАНОВКА ГИПСОВЫХ ПОГОННЫХ ДЕТАЛЕЙ ОРНАМЕНТИРОВАННЫХ, ПЛОСКИХ, ВЫПУКЛЫХ, РЕЛЬЕФНЫХ, ПРОСТОГО ИЛИ СЛОЖНОГО РИСУНКА [ПОРЕЗКИ, ПОЯСА, ФРИЗЫ, КАПЛИ И Т П ] ВЫСОТОЙ ДО 500 ММ | 100М | 1,05 |
| 19 | ДЕКОРАТИВНАЯ ПИЛЯСТОР ИЗ ГИПСА | М | 105 |
| 20 | НАРУЖНАЯ ОБЛИЦОВКА ФАСАДНЫМИ КЕРАМИЧЕСКИМИ ЦВЕТНЫМИ ПЛИТКАМИ ТИПА "КАБАНЧИК" | 100М2 | 0,85 |
| 21 | КАБАНЧИК | М2 | 85 |
| | **ЦОКОЛЬ** | | |
| 22 | НАРУЖНАЯ ОБЛИЦОВКА ПО БЕТОННОЙ ПОВЕРХНОСТИ КЕРАМИЧЕСКИМИ БЕТОННЫМИ ИЛИ ЦЕМЕНТНЫМИ ОТДЕЛЬНЫМИ ПЛИТКАМИ НА ЦЕМЕНТНОМ РАСТВОРЕ СТЕН | 100М2 | 1,01 |
| 23 | КЕРАМИЧЕСКИ ПЛИТА | М2 | 101 |
| | **КЕРАМИЧЕСКАЯ ПЛИТКА/225М2/** | | |
| 24 | УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ ЩЕБЕНОЧНЫХ | М3 | 11,25 |
| 25 | УСТРОЙСТВО ОКЛЕЕЧНОЙ ГИДРОИЗОЛЯЦИИ БИТУМНО-ПОЛИМЕРНЫМ МАТЕРИАЛОМ, ПЕРВЫЙ СЛОЙ ПОДКЛАДОЧНЫЙ | 100М2 | 2,25 |
| 26 | УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ ТОЛЩИНОЙ 20 ММ/60ММ/ | 100М2 | 2,25 |
| 27 | УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ НА КАЖДЫЕ 5 ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ СТЯЖКИ ДОБАВЛЯТЬ ИЛИ ИСКЛЮЧАТЬ К НОРМЕ 11-01-011-01 ЗА 8 РАЗ | 100М2 | -2,25 |
| 28 | УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ НА ЦЕМЕНТНОМ РАСТВОРЕ ИЗ ПЛИТОК КЕРАМИЧЕСКИХ ДЛЯ ПОЛОВ ОДНОЦВЕТНЫХ С КРАСИТЕЛЕМ | 100М2 | 2,25 |
| 29 | УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ИЗ ПЛИТОК КЕРАМИЧЕСКИХ | 100М | 1,4 |
| | **ТАРКЕТ/403,5М2/** | | |
| 30 | УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ СЛОЕВ ЩЕБЕНОЧНЫХ | М3 | 20,175 |
| 31 | УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ ТОЛЩИНОЙ 20 ММ/40ММ/ | 100М2 | 4,035 |
| 32 | УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ НА КАЖДЫЕ 5 ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ СТЯЖКИ ДОБАВЛЯТЬ ИЛИ ИСКЛЮЧАТЬ К НОРМЕ 11-01-011-01 ЗА 2 РАЗА | 100М2 | -4,035 |
| 33 | ИЗОЛЯЦИЯ ПЛОСКИХ И КРИВОЛИНЕЙНЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ ПЛАСТИНАМИ /ПЛИТАМИ/ ИЗ ВСПЕНЕННОГО КАУЧУКА /"АРМОФЛЕКС"/, ВСПЕНЕННОГО ПОЛИЭТИЛЕНА /"ЦЕНТЕФОН"/ | 10М2 | 40,35 |
| 34 | УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ПО ГОТОВОМУ ОСНОВАНИЮ, "ПЛАВАЮЩИМ" СПОСОБОМ, ИЗ МНОГОСЛОЙНЫХ ПАРКЕТНЫХ ДОСОК ТИПА TARKETT БЕЗ ПРИКЛЕЕВАНИЯ СТЫКОВ | 100М2 | 4,035 |
| 35 | УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ПЛАСТИКОВЫХ НА ВИНТАХ САМОНАРЕЗАЮЩИХ | 100М | 3,3 |

Гл инженер РУБ Фаминов А

Асфаров И

г Ташкент Мирзо-Улугбекский район
ул. Бузбозор 1-тупик, дом №30
Банковские реквизиты: АКБ "Капитал банк" МУФ
Р/с: 2020 8000 7007 6549 7001 МФО: 01018
ИНН: 304 841 224 ОКЭД: 41100

Toshkent sh. Mirzo-Ulug'bek tumani
Bo'zbozor 1-tor ko'chasi, №30 uy
Bank rekvizitlari: AKB "Kapital bank" MUF
H/r: 2020 8000 7007 6549 7001 MFO: 01018
INN: 304 841 224 OKED: 41100

# ООО "PARKENT ECSPERTIZA"

ЛИЦЕНЗИЯ № КЛЭ-000061 от «27» январь 2020г.

г. Ташкент «15» ДЕКАБРЯ 2021г.

## ЛОКАЛЬНО-ЭКСПЕРТНОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ №15/12/2021г.

### ПО РАСЧЕТУ СТАРТОВОЙ СТОИМОСТИ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ ОБЪЕКТА: «ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЗДАНИЯ РУБ (ПРОЕМЫ) АЛМАЗАРСКОГО РАЙОНА».

Заказчик : **«УПРАВЛЕНИЕ БЛАГОУСТРОЙСТВОМ» АЛМАЗАРСКОГО РАЙОНА Г.ТАШКЕНТА.**

Источник финансирования : Бюджетные средства.
Генпроектировщик : ООО "COMPLEKX GRAPHICS" (ЛИЦЕНЗИЯ № 001501 ОТ "27" НОЯБРЯ 2020Г.)
Генподрядчик : Определяется Заказчиком на конкурсной основе.
Вид строительства : ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ

1. **Основание для проведения экспертизы расчета стартовой стоимости объекта в договорных текущих ценах.**

- Договор на проведение экспертизы расчета стартовой стоимости в договорных текущих ценах объекта: **«ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЗДАНИЯ РУБ (ПРОЕМЫ) АЛМАЗАРСКОГО РАЙОНА».**

- Письмо-заказ от Заказчика на проведение экспертизы расчета стартовой стоимости объекта в договорных текущих ценах.
- Оплата за проведение экспертизы сметной документации производится за счет средств Заказчика.

2. **Материалы, предоставленные на рассмотрение экспертизы**

- Копия договора на составление расчета стартовой стоимости объекта в договорных текущих ценах с проектной организацией.
- Дефектный акт от 2021 год утвержденный и подписанный Заказчиком.
- Расчет стартовой стоимости объекта: **«ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЗДАНИЯ РУБ (ПРОЕМЫ) АЛМАЗАРСКОГО РАЙОНА».**

в договорных текущих ценах на сумму : **631 005,699 тыс. сумм с учетом НДС**, без учета прочих затрат Заказчика.

В т.ч. :

- Локальные ресурсные ведомости.
- Локальные ресурсные сметы.
- Пояснительные записки.
- Рабочий чертеж.

### 3. Краткая характеристика рассматриваемых материалов.

- Стоимость объекта определена в договорных текущих ценах в соответствии с «Временным положением о порядке определения стоимости строительства (ремонта) объектов в договорных текущих ценах», утвержденным Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11.06.2003 г. № 261 и по ШНК4.01.16-09, утвержденным приказом Гос.КомАрхитектСтроя Республики Узбекистан от 30.07.2009г. за № 83.

- Среднечасовая зарплата рабочих-строителей принята по **24 681,40** сум с учетом нормативных начислений на социальное страхование в размере 12% по г.Ташкент, что не соответствует среднестатистическим данным по региону на момент разработки сметной документации.

- Стоимость материалов и конструкций принята по Каталогу текущих цен за 2019г., применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан, опросам текущих рыночных цен и предоставленным прайс-листам Изготовителей.

- Стоимость эксплуатации строительных машин и механизмов определены по предоставленным данным калькуляций строительных организаций и управлений механизаций, собранных на основе опроса текущих ценовых показателях в данной области предоставления услуг.

- Транспортные расходы на строительные материалы определены в размере 5%,с учетом заготовительно-складских расходов.

- Прочие затраты Подрядчика приняты в размере 17,27%.

- НДС 15%.

### 4. Результаты рассмотрения экспертизы.

- В процессе экспертного рассмотрения расчетов стартовой стоимости объекта в договорных текущих ценах, в рабочем порядке, было рекомендовано внести следующие изменения и дополнения.

-Уточнить расположение водостока и желобов, узлы крепления к стенам; Приложить рабочую исполнительную схему.

- МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ: ИСКЛЮЧИТЬ ПУНКТЫ НЕ УЧАСТВУЮЩИЕ В ПРОЦЕССЕ ПРОИЗВОДСТВА РАБОТ ПОД №8,24,25,44,45,49,58,74,77;

- МАШ-МЕХ. ИСКЛЮЧИТЬ ПУНКТЫ НЕ УЧАСТВУЮЩИЕ В ПРОЦЕССЕ ПРОИЗВОДСТВА РАБОТ ПОД № 7,6,17;

- Стоимость строительных материалов и конструкций, а также оборудование, откорректировать, согласно предложенным рекомендациям.

- Транспортные расходы на строительные материалы определены в размере 3%,согласно замечаниям Экспертизы.

- Остальные примененные ресурсные нормативы соответствуют действующим нормативным документам.

5. **Выводы.**

- Расчет стартовой стоимости в договорных текущих ценах объектов : **«ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЗДАНИЯ РУБ (ПРОЕМЫ) АЛМАЗАРСКОГО РАЙОНА».**

с учетом предварительных результатов экспертного рассмотрения , на соответствие ШНК рекомендуется для дальнейшего согласования и утверждения с ориентировочной стоимостью – **620 279,452 тыс. сумм с учетом НДС**.

| № | НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ | СУММА ДО ЭКСПЕРТИЗЫ (С НДС)тыс.сум | СУММА ПОСЛЕ ЭКСПЕРТИЗЫ (С НДС)тыс.сум | РАЗНИЦА тыс.сум |
|---|---|---|---|---|
| [redacted] | | | | |
| | **«ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЗДАНИЯ РУБ (ПРОЕМЫ) АЛМАЗАРСКОГО РАЙОНА».** | **631 005,699** | **620 279,452** | **10 726,247** |

- В соответствии с «Временным положением о порядке определения стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах», утвержденным Постановлением КМ Р.Уз. № 261 от 11.06.2003г., рекомендуемая сметная стоимость строительства является ориентиром при проведении конкурсных торгов и не может служить основанием для заключения договоров подряда. Также она подлежит уточнению по фактически выполненным затратам и объемам работ. Окончательное решение принимает Заказчик и подрядная организация, с учетом результатов контрольного обмера.
- За невыполнение подрядчиком тех или иных работ, согласно объемов данных в смете, несоответствие работ сметной документации, несоблюдение нормативов ШНК, при выполнении работ, Экспертная организация ответственности не несет.

**Руководитель** **Мухаммаджонова М.Ю.**

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари
Портали

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 6258-439e-2032-8c09-be06-0194-1208
Хужжат яратилган сана: 2020-01-27
Ариза рақами: [illegible]122078

Хужжат берилган: "PARKENT ECSPERTIZA" МЧЖ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 304841224

**Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитациядан ўтказилганлиги тўғрисида**

ГУВОҲНОМА

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият "PARKENT ECSPERTIZA" МЧЖ га қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига гувоҳнома берилди.

Гувоҳнома берилган сана: 27-01-2020 йил

Гувоҳнома рақами: ҚЛЭ-000061

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 304841224

Юридик шахснинг почта манзили: Toshkent viloyati, Parkent tumani, Parkent tumanining shaharchalari Gulbog' mahallasi, A.Navoiy shoh ko'chasi, 15-uy

Гувоҳнома беш йил муддатга берилди.

ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Мазкур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 720-сон қарори билан [illegible] Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали [illegible] [illegible] хужжатнинг [illegible] ҳисобланади. [illegible] 2017 йил 15 [illegible] электрон хужжатлардаги маълумотлар [illegible] электрон хужжатлнинг [illegible]

3776

https://repository.gov.uz/[illegible]-documents/6258-439e-2032-8c09-be06-01[illegible]-1208

"Тасдиқлайман"
Олмазор тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи
______ Д. Искандаров

**Танлов баённомаси №1**

"26" 03.2022 йил — Тошкент шаҳри

Қатнашдилар:

| | | |
|---|---|---|
| Ҳайъат раиси: | Ободонлаштириш бошқармаси ўринбосари | Д. Эгамқуловов |
| Аъзолари | Бош хисобчи | Ж. Соатов |
| | ЙКХФБ бошлиғи | И. Аскаров |
| | Иқтисодчи | Ш. Гиясова |
| | ТОБ бош мухандиси | А. Даминов |
| | Кўкаламзорлаштириш ва ирригация бўлими бошлиғи | С. Файзуллаев |
| | Техника хавфсизлиги мухандиси | А.Носиров |

**Кун тартиби:**

Олмазор туман Ободонлаштириш бошқармасининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш ишларига "Etender.uzex.uz" порталига 2022 йилнинг 11 мартда №37510-сонли лот жойлаштирилган ва ушбу эълон асосида 2022 йил "**18**" **март** санасида электрон танлов баённомаси бириктирилди ва "Etender.uzex.uz" порталига бириктирилган санадан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай шикоят ва аризалар келиб тушмади.

Танлов комиссияси юқорида инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Олмазор туман Ободонлаштириш бошқармасининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш ишларига электрон танлов баённомасига асосан "Chindovul qurilish info" масъулияти чекланган жамияти 561 450 000 (Беш юз олтмиш бир миллион тўрт юз эллик минг) сўм ККС шартнома тузишга қарор қилинди.

| | |
|---|---|
| Ободонлаштириш бошқармаси ўринбосари | Д. Эгамқулов |
| Бош хисобчи | Ж.Соатов |
| ЙКХФБ бошлиғи | И. Аскаров |
| Иктисодчи | Ш.Гиясова |
| ТОБ бош мухандси | А.Даминов |
| Техника хавфсизлиги мухандиси | А.Носиров |
| Кўкаламзорлаштириш ва ирригация бўлими бошлиғи | С.Файзуллаев |